



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI EKOLOGIYA VA ATROF-MUHITNI MUHOFAZA QILISH DAVLAT QO'MITASI RAISINGING

### BUYRUG'I

2021 yil "5" *МАРТ*

*47* - son

Toshkent sh.

#### **Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги табиий сув хавзаларида балиқларнинг урчиш даврида саноат мақсадида балиқ овлашга таъқиқ қўйиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 2 майда 1569-сон билан рўйхатдан ўтказилган "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов қилиш ва балиқ овлаш қоидалари" (кейинги ўринларда - Қоида деб аталади) талабларига асосан ҳамда балиқ ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида, **буюраман:**

1. Қоиданинг 36-бандига мувофиқ 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги табиий сув хавзаларида куйидаги муддатларга биноан:

Амударё ва Сирдарё сув хавзаларида 12 мартдан 31 майга қадар;

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти сув хавзаларида 25 апрелдан 10 июнга қадар;

Айдар-Арнасой қўллар тизимидаги Айдарқўл сув хавзасининг 50 – 64-контурларида, Арнасой сув хавзасининг 64 – 75-контурларида 15 апрелдан 15 августга қадар;

бошқа барча сув хавзаларида 16 апрелдан 31 майга қадар саноат мақсадида балиқ овлашга таъқиқ ўрнатилсин.

2. Табиий сув хавзаларида саноат мақсадида балиқ овини амалга оширувчи барча балиқчилик хўжаликлари таъқиқ ўрнатилган муддатларда балиқ тутиш қуролларни табиий сув хавзаларидан чиқариб, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат инспекторлари иштирокида оқиборларга жойлаштирилган ҳолда муҳрлансин.

Саноат мақсадида балиқ овлашга таъқиқ даврида балиқ тутиш тўрларини таъмирлаш ишлари балиқчилик хўжаликлари жойлашган ҳудуддан ташқарида амалга оширилсин.

3. Балиқларнинг урчиш даврида саноат мақсадида балиқ овлаш таъқиқланган даврда табиий сув хавзаларида моторли қайиқларда сузиш таъқиқлансин (Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат инспекторлари бундан мустасно).

4. Балиқ овлаш таъқиқланган даврда спорт ҳаваскорлик мақсадида балиқ овлаш республиканинг барча табиий сув хавзаларида фақат Ўзбекистон Овчи ва балиқчилар спорт бирлашмасининг аъзолари учун моторсиз қайиқларда Қоида талаблари асосида амалга оширилсин.

5. Биохилмахиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бош бошқармаси (Садиков) республиканинг барча табиий сув ҳавзаларида балиқ ресурсларини кўпайтириш ва уни қайта тиклашга қаратилган биотехник тадбирлар ижроси бўйича тизимли мониторинг ўрнатиб, республика бўйича маълумотларни умумлаштирсин.

6. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекцияси (Тагаев), Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари:

ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилишни таъминласинлар;

браконьерликка қарши курашиш, ноқонуний балиқ овлash ва табиий сув ҳавзалари балиқ маҳсулотларини сотиш фаолияти бўйича Ички ишлар вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда рейдларни ташкил этиш чораларини кўрсинлар;

балиқ овлash тақиқланган муддатларда табиий сув ҳавзаларида моторли қайиқларда сузиш ҳамда ноқонуний балиқ ови билан шуғулланган ҳуқуқбузарларга нисбатан қаттиқ жавобгарликка тортиш чораларини белгиласинлар.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари ушбу буйруқни барча овчилик ва балиқчилик хўжаликларига маълумот ва ижро учун етказсин.

8. Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бўлими (Давлатова) оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда балиқ захираларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилona фойдаланишнинг долзарблиги ҳақида аҳолини хабардор қилиш ишларини ташкиллаштирсин;

ушбу борада амалга оширилган ишлар тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам равишда ёритиб борсин.

9. Ижро интизомини назорат қилиш ва ҳужжат айланиши бўлими мазкур буйруқни тегишли таркибий ва ҳудудий бўлинмаларига ижро учун етказсин.

10. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Раис



А. Мақсудов